

Oriental Journal of Education



THE NEED FOR EDUCATIONAL CLUSTER FORMATION AND ITS MAIN ESSENCE

Maqsuda Badalova

Advisor to the Rector, PhD in Philology, Associate Professor

A. Avloni National Institute of Pedagogical Mastery

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Cluster, education cluster, innovation, educational institutions, education system, science, production, educational criteria, management.

Received: 27.11.25**Accepted:** 28.11.25**Published:** 29.11.25

Abstract: In this article, the concept of educational cluster, its criteria, structure and place in the modern education system are based on the results of scientific analysis, and the socio-economic and pedagogical necessity of creating an educational cluster is justified. On the basis of the cluster model, the importance of strengthening the integration of "education-science-production", improving the quality of personnel training, and creating an innovative environment has been highlighted.

ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МОҲИЯТИ

Мақсуда Бадалова

Ректор маслаҳатчиси, и.ф.ф.д. (PhD), доцент

А. Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Кластер, таълим кластери, инновация, таълим муассасалари, таълим тизими, илм-фан, ишлаб чиқариш, таълим мезонлари, бошқарув.

Аннотация: Ушбу мақолада таълим кластери тушунчаси, унинг мезонлари, структураси ва замонавий таълим тизимидаги ўрни илмий жиҳатдан таҳлил натижалари асосида, таълим кластери тузишнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда педагогик зарурати асослаб берилган. Кластер модели асосида “таълим–фан–ишлаб чиқариш” интеграциясини кучайтириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва инновацион муҳитни шакллантиришнинг долзарблиги масалалари ёритиб берилган.

НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО КЛАСТЕРА И ЕГО ОСНОВНАЯ СУТЬ

Максуда Бадалова

Советник ректора, PhD по филологическим наукам, доцент

Национальный институт педагогического мастерства имени А. Авлони

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Кластер, кластерное обучение, инновация, совместное обучение, организационное обучение, наука-наука, производство, машинное обучение, управление.

Аннотация: В статье рассмотрены понятие образовательного кластера, его критерии, структура и место в современной системе образования. На основе результатов научного анализа обоснована социально-экономическая и педагогическая необходимость создания образовательного кластера. На основе кластерной модели подчеркнута важность усиления интеграции «образование-наука-производство», повышения качества подготовки кадров, создания инновационной среды.

Кириш. Глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида таълим тизими олдида жамият ва меҳнат бозори эҳтиёжларига мос, юқори малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси турибди. Шу сабаб анъанавий таълим шакллари мазкур талабларга тўлиқ жавоб бера олиши, таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада бўлиши лозим. Таълим кластерини умумтаълим мактаблари миқёсида ташкил этиш – тизимли интеграция, ҳамкорлик ва инновацион ривожланишнинг замонавий шакли сифатида энг самарали ечимлардан бири ҳисобланади.

“Кластер” атамасига эътибор қаратар эканмиз, иқтисодиёт назариясида муайян ҳудудда жойлашган, бир-бирига функционал боғлиқ субъектларнинг ягона мақсад асосида бирлашувини англатади. Шуни таъкидлаш жоизки, таълим соҳасида кластер – бу:

- таълим муассасалари (мактаб – коллеж/техникум – Олий таълим муассасалари),
- илмий тадқиқот билан шуғулланувчи муассасалар,
- ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналари,
- инновацион марказлар,
- ёшлар ва кадрлар билан ишлаш ташкилотлари ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорлик тизимидир.

Ушбу тизим ўзаро ресурс алмашинуви, инновацион ғоялар муомаласи, таълим дастурларини меҳнат бозорига мослаштириш ва амалий тайёргарликни кучайтиришни таъминлайди.

Кластерлаштиришнинг афзалликлари энг аввало, бу кластер иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ресурслар кўмагида намоён бўлади. Таълим мажмуаси доирасида кластер


тузилмаларини шакллантириш турли интеграция даражаларида – методологик, назарий ва амалий босқичларда амалга оширилиши мумкин.

Таълим тизими кластерлар турли даражадаги таълим муассасалари ва ташкилотлар асосида ташкил этилади. Улар таркибига мактабгача ва умумий таълим муассасалари, ўрта махсус таълим муассасалари, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш тузилмалари кириши мумкин. Бундай кластерларнинг турли комбинациялари ва шакллари бўлиши мумкин, бу эса таълим тизимида интеграция ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради.

Кластер таълим мажмуасининг асосий тузилмавий элементи сифатида фаолият кўрсатади ва унинг марказий қисми – ядро – одатда таълим муассасаси ҳисобланади. Кластер таркибида ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқа янада аниқ намоён бўлади, чунки умумий ресурслар барча иштирокчилар томонидан биргаликда фойдаланилади, бу эса уларнинг шахсий манфаатларини амалга ошириш орқали умумий мақсадга эришишни таъминлайди. Ижтимоий-маданий муҳитда кластер мустақил ва барқарор тузилма сифатида намоён бўлади. 1.1-расмда кластер иштирокчилари томонидан ресурслардан самарали ва ҳамжиҳатликда фойдаланиш намунаси кўрсатилган.

1.1-расм

Таълим кластери орқали кадрлар ресурсларини самарали бирлаштириш намунаси



Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, кластерни ягона мақсад асосида бирлашган, ўзаро муносабатларини шартнома асосида мустаҳкамлаган хўжалик субъектлари мажмуаси сифатида таърифлаш мумкин. Турли таълим кластерларини бирлаштириш орқали таълим мажмуасини яратиш таълимни ташкил этишнинг қулай ва самарали усули ҳисобланади. Бу йўл орқали касбий таълимнинг ҳудудий тизими яхшироқ фаолият юритади,

чунки барча манфаатдор томонлар – таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ва бошқа ташкилотлар – ўз куч ва имкониятларини бирлаштирадилар. Яъни, таълим мажмуаси бирлашган куч ва манфаатлар асосида барча иштирокчилар учун фойдали ҳамкорлик майдонини яратади.

Бугунги кунда бундай кластерларни ташкил этишнинг асосий мақсади – таълимнинг мақсад ва мазмунини иш берувчиларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳамда таълим сифатига қўйилаётган талаблар билан мослаштиришдир. Яъни, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида узвий алоқа яратилади: олинган билимлар амалиётда қўлланилади, мутахассислар эса бозор талабларига мос равишда тайёрланади ва ўз касбий салоҳиятини кейинги босқичларда ривожлантириб боради.

Шуни таъкидлаш лозимки, “таълим кластери” атамаси кўп ҳолларда “инновацион” сўзи билан бирга қўлланилади. Бунинг ўзи кластерлар ва кластерлаштириш ёндашуви аввало инновацион таълимга хос эканлигидан далолат беради. Яъни, кластерлаштириш асосида шаклланадиган таълим мажмуалари – бу инновацион таълимни ташкил этиш ва амалга оширишнинг замонавий шаклидир. Интеграциялашган тизимларда ҳамкор субъектларининг манфаатлари ўзаро мувофиқ бўлиши қатор афзалликларни яратади. Бу, энг аввало, синергетик эффектни вужудга келтиради ва қуйидаги ҳолатларда ўз ифодасини топади:

– ҳамкорлар учун ресурслардан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг мавжудлиги.
Ресурслар ичида энг асосийси эса юқори малакали кадрлар;

– ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни шароитга мос равишда эркин бошқариш имконияти;

– кластер иштирокчилари ўртасида билим ва тажриба алмашинуви;

– кластерни бошқаришнинг барча босқичларида харажатларни камайтириш;


– кластер иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижасида битирувчининг мақоми ва рақобатбардошлигини ошириш;

– кластер фаолиятининг барқарорлиги, интеграция иштирокчиларининг нуфузи.

Қуйидаги 2-расмда таълим кластерини бошқариш тизимининг умумлаштирилган чизмаси келтирилган. У ўз ичига бир нечта кластер субъектларини қамраб олади: мактабгача ва мактаб таълими кластери, умумий таълим ва ўрта махсус таълим кластери ва бошқалар.

2-расм.

Таълим кластерини бошқариш тизимининг умумлаштирилган чизмаси



Бошқарув таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари томонидан, ҳамкор-иш берувчиларнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда тегишли инструментлар ва воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Таълим кластерларининг ишлаш режими мақсад ва вазифалар орқали белгиланади. Ушбу мақсад ва вазифалар ҳамкор-иш берувчилар томонидан кутилаётган натижага мувофиқ равишда ўрнатилади.

Таълим мажмуаларини бошқаришнинг асосий мазмуни тизимдаги оғишларни ўз вақтида аниқлашдир. Яъни, таълим кластерларининг ҳолати мунтазам таҳлил қилинади, уларнинг параметрлари учун меъёрий қийматлар ва рухсат этилган оғишлар белгиланади. Агар йўл қўйиб бўлмайдиган оғишлар аниқланса, уларни бартараф этиш учун бошқарув таъсир чоралари ўз вақтида ишга туширилади. Бунинг асосий мақсади таълим мажмуасининг барқарор фаолиятини таъминлашдир.

Таълим мажмуасининг самарадорлиги ва натижадорлиги унинг фаолиятидаги сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали намоён бўлади. Бу кўрсаткичлар таълим соҳасидаги бошқарув органлари ҳамда ҳамкор-иш берувчилар томонидан баҳоланади. Улар учун энг муҳим мезон – аввало таълим сифати, шундан кейин эса миқдорий натижалар ҳисобланади.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, Кластер форматидаги таълим тизими рақобатбардош, замонавий ва амалий кўникмаларга эга инновацион маҳсулот, яъни юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш имконини беради. Кластер модели:

- ресурсларни самарали тақсимлаш,
- педагог кадрлар малакасини ошириш,
- ўқув-лаборатория базасини модернизация қилиш

имконини беради. Бу эса таълим сифатининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. Таълим кластери – фан, ишлаб чиқариш ва таълимнинг бирлашган, инновацион ривожланишни рағбатлантирадиган тизимли моделлик ечимидир, деб фикр билдириш мумкин. Шу боис таълим кластерини тузиш замонавий таълим сиёсатида стратегик зарурат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Еспаев С. С. Образовательный кластер – залог конкурентоспособности кадров в Казахстане /С. С. Еспаев // Глобальные вызовы и современные тренды развития высшего образования : Международная научно-практическая конференция, посвященная 50-летию Казахского экономического университета имени Т. Рыскулова : сб. тезисов 4-5 октября 2013 г. – Алматы, 2013. – \б. 159 -162.
- 2.Жук, А. И. Система педагогического образования Республики Беларусь: достижения, трудности, перспективы / А. И. Жук, А. В. Торхова // Адукацыя і выхаванне. – 2014.– № 10. – б. 19
- 3.Ковалева И.Н.”Формирование центров экономического роста и развития региональных экономических кластеров”Вестник Ростовского Государственного Университета,2012г.№3
- 4.Ялов, Д.А. Кластерный подход как технология управления региональным экономическим развитием. Электронный ресурс. / Д.А. Ялов. — Режим доступа: <http://www.subcontract.ru/>
- 5.Третьяк, В.П. Кластеры предприятий / В. П. Третьяк. М.: Изд-во «Август Борг». - 2006. — 132 с.
- 6.Мигранян А.А. Проблемы и перспективы развития конкурентоспособных кластеров в Кыргызской республике // Проблемы современной экономики. – 2007. – № 1(21).